



ХУДУДЛАРДА КИЧИК ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

*Арзикулов Отабек Али ўғли -
Тошкент молия институти
мустақил изланувчиси*

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a30

Аннотация: мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожланиш ҳолати ва унга таъсир қилувчи омиллар, соҳани ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ва таркибий ўзгаришларини баҳолаш бўйича илмий хулосалар ва таклифлар баён этилган.

Таянч иборалар: кичик бизнес, тадбиркорлик, статистик таҳлил, яратиш коэффициенти, экспорт салоҳияти, статистик усуллар, статистик баҳолаш.

СТАТИСТИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ МАЛОГО БИЗНЕСА В РЕГИОНАХ

*Арзикулов Отабек Али ўғли -
Самостоятельный соискатель
Ташкентского финансового института*

Аннотация: в статье представлены научные выводы и рекомендации по оценке состояния развития малого бизнеса и частного предпринимательства и факторов, влияющих на него, социально-экономических аспектов развития отрасли и структурных изменений.

Ключевые слова: малый бизнес, предпринимательство, статистический анализ, коэффициент создания, экспортный потенциал, статистические методы, статистическая оценка.

STATISTICAL ASSESSMENT OF ECONOMIC ACTIVITY OF SMALL BUSINESS IN THE REGIONS

*Arzikulov Otabek Ali oglu -
Tashkent Financial Institute is independent seeker*

Abstract: the article presents scientific conclusions and recommendations for assessing the state of development of small business and private entrepreneurship and the factors affecting it, socio-economic aspects of the development of the industry and structural changes.

Keywords: small business, entrepreneurship, statistical analysis, creation rate, export potential, statistical methods, statistical evaluation.

Кириш. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш жараёнида кичик тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, пандемия шароитида кичик тадбиркорликни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантириш, бозорларни истеъмол товарлари билан тўлдириш, рақобат муҳитини яратиш, ишсизликка барҳам бериш мамлакат олдида турган асосий устувор вазибалардан бири ҳисобланади. Шу боис пандемия шароитида мамлакатимиз худудларида аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда тадбиркорлик, жумладан, кичик тадбиркорлик фаолияти ва унинг самарадорлиги муҳим омиллардан бири саналади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тадбиркорлик, кенг маънода, шахсий манфаатга асосланган, субъект олдида турган мақсадга эришишга қаратилган, унинг бевосита иштиро-

кида ўзининг шахсий омиллари асосланиб, амалга ошириладиган, оила хўжалигини юри-тишдан тортиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳамда хизматлар кўрсатишгача бўлган юмушлар билан боғлиқ ақлий фаолият сифатида қаралади. Тор маънода, тадбиркорлик фаолияти фақат иқтисодий соҳанинг турли-туман даражаларидаги маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини, яъни соҳибкорликни ифодалайди[1].

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда тадбиркорлик фаолияти асосий иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланиб, инсоний ресурсларнинг таркибий қисмини ташкил қиладиган ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик тузилмалари йирик ишлаб чиқаришга ҳаракатчанлик бахш этади.

Ўз даврида А.Смит тадбиркорга қуйидагича таъриф беради: “Тадбиркор - хўжалик юри-тиш таҳликасини ўз зиммасига олувчи капитал эгасидир”. Ж.Б.Сей фикри бўйича эса, тадбиркор бу ишлаб чиқариш омиллари уйғунлаштира-

диган ёки иқтисодий ресурсларни паст унумдорлик ва фойдалилик соҳасидан юқори фойдалилик ва унумдорлик соҳасига йўналтирадиган иқтисодий гумаштадир [8].

К.Макконелл ва С.Брюлар тадбиркорликнинг, асосида узлуксиз шартлар ва талаблар ётувчи муҳим фаолият тури сифатида қарашади. *Биринчидан*, тадбиркор товар ва хизматлар ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш омилларини бирлаштиради ва “катализатор” вазифасини бажаради. *Иккинчидан*, бизнесни юритиш жараёнида у қарорлар қабул қилишдек қийин бир вазифани зиммасига олади. *Учинчидан*, тадбиркор - ташкилотчи шахс бўлиб, янги ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилади. *Тўртинчидан*, тадбиркор бу таҳликага борувчи инсондир. У нафақат ўз мол-мулки, вақти, меҳнати билан, балки ўз шериклари, ҳиссадорлари қўшган маблағлар билан ҳам таҳликага боради [9].

Академик Л.И.Абалкин ҳам тадбиркорликни фаолиятнинг ўзига хос тизими сифатида қатор афзалликларга эга деб ҳисоблайди. Бу афзалликлар иш йўналиши ва усулларини танлаш эркинлиги, мустақил қарорлар қабул қилиш, фойда олиш, қабул қилинган қарорлар учун жавобгарлик ва ҳоказолардир. Л.И.Абалкиннинг фикрича, етарли ривожланган бозор хўжалиги тадбиркорликни ривожланишининг негизи ҳисобланади [10].

Профессор Х.П.Абулқосимов фикрича “тадбиркорлик – бу инсон мақсадларини рўёбга чиқариш ва фаоллигини ошириш йўналишларидан биридир” [11].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ва қўллаб қувватлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада бир қатор қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари ва бошқа соҳани ривожлантиришга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда [5,6].

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам ...миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ҳамда хусусий секторни қўллаб қувватлаш ва ривожлантириш каби устувор

вазифалар белгилаб берилди[2]. Ушбу устувор вазифаларни ижросини таъминлашда республикада худудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш, барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса ҳозирги пандемия шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини миллий ва худуд иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни юқори бўлмоқда. Ушбу соҳа имконият даражасида ички бозорни тўлдиришга, аҳолининг маҳсулот ва хизматларга бўлган моддий эҳтиёжларини қондиришда ҳамда экспортни қўллаб-қувватлашда етакчи ўринни эгалламоқда.

Статистик таҳлилларга кўра, республикада кичик тадбиркорлик соҳасини ривожланишида Жиззах вилояти субъектларини ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бугунги кунда вилоятнинг доимий аҳолиси сони 1 млн. 410,5 минг киши бўлиб, унда меҳнат ресурслари сони 773,8 минг киши (57,5 фоиз), иқтисодий фаол аҳоли сони 600,1 минг киши (42,5 фоиз), иқтисодиётда банд бўлганлар сони 534,0 минг киши (37,8 фоиз)ни ташкил этади, [3.104-116 б].

Вилоятда доимий аҳолининг ўсиши билан бирга иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг сонини ҳам ўсиши кузатилмоқда. Масалан, 2016 йилда вилоятда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 103,0 фоизга тенг бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич 2020 йилда 99,6 фоизни ташкил этган [4.100 б].

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозоридаги асосий кўрсаткичлардан бири фойдали меҳнатга лаёқатли аҳолининг ишсиз қолишидир.

Жиззах вилояти бўйича таҳлил этадиган бўлсак, 2016 йилда ишсизлар сони 26,0 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилга келиб, уларнинг сони 65,8 минг кишига етган ёки 39,8 минг кишига (2,5 баробар) ортган. Бугунги кунда вилоятда ишсизлик даражаси 12,3 фоизни ташкил этмоқда. Айнан шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаларини ривожлантириш, уларни қўллаб қувватлаш зарур.

Шунингдек, Жиззах вилоятида номинал ҳисобланган ўртача ойлик иш ҳақи ҳам 2020 йил декабрь ойида 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 101,7 фоизни ташкил этди [3.122 б].

2020 йилда Жиззах вилояти корхона ва ташкилотларида ёлланиб ишловчи аҳоли сонининг маълумот даражаси бўйича тақсимланишини таҳлил қиладиган бўлсак, олий маълумотлилар 33,3 фоизни, ўрта махсус маълумот эга бўлганлар 57,4 фоизни ҳамда ўрта ва тўлиқсиз ўрта бўлганлар 9,3 фоизни ташкил этган.

KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK

Жиззах вилоятида банд аҳоли сонининг ниши 1-жадвалда келтирилган [3.140 б].
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимла-

1-жадвал

Жиззах вилоятида банд аҳоли сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (1 январь ҳолатига)

	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан;					
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	42,9	41,8	39,1	36,3	37,3
саноат	10,1	9,9	9,6	10,3	10,3
қурилиш	6,7	6,7	6,0	7,6	7,5
савдо	7,6	7,6	7,2	7,5	7,7
ташиш ва сақлаш	2,2	2,2	2,1	3,0	2,5
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2,0	1,9	1,8	2,0	2,0
ахборот ва алоқа	0,2	0,2	0,2	0,2	0,1
молиявий ва сўғурта фаолияти	0,4	0,4	0,5	0,4	0,4
таълим	8,8	8,6	8,7	8,3	8,8
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш	3,6	3,5	3,4	3,6	4,2
санъат, кўнгили очиш ва дам олиш	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4
бошқа фаолият турлари	15,1	16,8	21,0	20,4	18,4

Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2020 йилда вилоятда банд аҳоли сонининг улуши асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 37,3 фоиз, саноатда 10,3 фоиз, таълим соҳасида 8,8 фоиз, қурилишда 7,5 фоиз, савдода 7,7 фоизни ташкил этган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)даги улуши 2-жадвалда келтирилган [7.21 б].

2-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ ва ЯҲМдаги улуши, фоизда

	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Ўзбекистон Республикаси	64,9	65,3	62,4	56,0	55,7
Қорақалпоғистон Республикаси	61,1	58,5	57,0	56,3	57,8
Вилоятлар					
Анджон	83,1	80,2	73,1	69,6	69,4
Бухоро	78,4	79,9	80,9	74,3	75,3
Жиззах	83,4	85,6	86,2	83,1	83,4
Қашқадарё	64,9	73,6	72,7	70,8	71,1
Навоий	48,8	49,4	42,3	30,7	26,6
Наманган	78,7	80,8	80,5	75,9	74,9
Самарқанд	80,1	82,6	80,8	75,2	74,8
Сурхондарё	78,0	79,5	81,2	78,8	77,9
Сирдарё	74,4	77,9	77,8	69,8	70,9
Тошкент	66,2	65,0	58,9	51,3	50,2
Фарғона	72,6	71,7	71,3	69,3	68,8
Хоразм	78,2	79,1	79,1	76,4	76,3
Тошкент ш	63,7	64,8	64,8	53,1	51,3

Таҳлилларимизга кўра, 2020 йилда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ЯИМдаги улуши 55,7 фоизни ташкил этган. Охириги йилларда республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ЯҲМдаги юқори улуши Жиззах (83,4 фоиз), Хоразм (76,3 фоиз), Сурхондарё (77,9 фоиз) вилоятларига тўғри келаётган бўлса, энг паст улуш Навоий (26,6 фоиз), Тошкент (50,2 фоиз) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (51,3 фоиз)га тўғри келмоқда.

2021 йил 1 январь ҳолатига Жиззах вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан республика кичик тадбиркорлик соҳасида яратилаётган саноат маҳсулотларининг 3,6 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6,6 фоизи, асосий капиталга киритилган инвестиция ҳажмининг 10,1 фоизи, чакана савдо айланмаси ҳажмининг 3,8 фоизи, кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг 2,7 фоизлик улуши тўғри келган [7.23-34 б].

Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан иш-

лаб чиқарилаётган товар ва хизматлар экспорти ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, вилоятнинг кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан 2016 йилда 74,4 млн.долларлик товар ва хизматлар экспорт қилинган бўлса, 2020 йилда 76,5 млн.долларни ташкил этган ёки нисбий миқдорларда ўсиш суръати 102,8 фоизга тенг бўлган. Аммо Жиззах вилояти кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги улуши республика даражасида 2016 йилдаги 2,3 фоиздан 2020 йилга келиб, атиги 2,4 фоизга ортди. Аксинча вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хизматлар импорти охириги йилларда сезиларли равишда ортган. Хусусан, вилоятда 2016 йилда товар ва хизматлар импорти 59,8 млн.доллар бўлган бўлса, 2020 йилда 647,1 млн. долларга тенг бўлган ёки 588,3 млн.долларга (10,8 баробар) сезиларли ошган [7.44-46 б].

Статистик таҳлилларга кўра, Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони ҳам ортиб бормоқда. Масалан, 2016 йилда вилоят бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 372,2 минг киши, 2017 йилда 378,7 минг киши (базис йилига нисбатан ўсиш суръати 101,7 фоиз), 2018 йилда 384,5 минг киши (базис йилига нисбатан ўсиш суръати 101,5 фоиз) 2019 йилда 427,2 минг киши

(базис йилига нисбатан ўсиш суръати 111,1 фоиз) ҳамда 2020 йилда 418,7 минг киши (базис йилига нисбатан камайиш суръати 98,0 фоиз)ни ташкил этган. Жиззах вилоятида 2020 йилда иқтисодиётда умумий банд бўлганларда кичик тадбиркорликда банд бўлганларнинг улуши 78,4 фоизни ташкил этди (республикамизда ушбу кўрсаткич 74,5 фоизга тенг).

Худудлар бўйича рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)ни статистик таҳлил этадиган бўлсак, 2017 йил 1 январь ҳолатига Жиззах вилоятида рўйхатдан ўтган корхоналар сони 9065 тани, 2021 йил 1 январь ҳолатига 18661 тани ташкил этиб, 9596 тага ёки 2,05 мартага ўсган.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, бир қатор сабабларга кўра (ишни яхши йўлга қўйилмаганлиги, хом ашёни етишмаслиги, молиявий қийинчиликлар, маркетинг тизимини яхши ишламаслиги, ишдаги қўнимсизлик ва бошқалар) рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар амалда ўз фаолиятини юритмайди. Шунинг учун статистик тадқиқ этишда асосий эътиборни фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларига қаратилиши мақсадга мувофиқ саналади.

3-жадвал

Жиззах вилоятида кичик корхона ва микрофирмаларнинг (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) демографик ҳолати динамикаси (1 январь ҳолатига)

№	Кўрсаткичлар	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
1.	Рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони, бирлик	9065	10069	11845	14769	18661
2.	Фаолият олиб бораётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони, бирлик	8013	9310	11197	14011	17725
3.	Фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг жами рўйхатдан ўтган кичик корхоналар ва микрофирмалар сонидagi улуши, фоиз	88,4	92,5	94,5	94,9	95,0
4.	Кичик корхоналар ва микрофирмалардаги рўйхатдаги ходимларнинг ўртача йиллик сони, минг киши	25,7	27,5	36,1	45,0	46,9
5.	Янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони, бирлик	1486	1776	2319	3432	4278

2017 йил 1 январь ҳолатига Жиззах вилоятида 8013 та кичик корхоналар ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) фаолият юритган бўлса (рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик корхоналарининг 88,4 фоизи), 2021 йил 1 январь ҳолатига 17725 тани ташкил этган (рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик корхоналарининг 95,7 фоизи). Ёки 2020 йилда 2016 йилга нисбатан фаолият олиб бораётган, кичик тадбиркорлик корхоналарининг сони 2,2 марта ошган. Вилоятда кичик тадбиркорлик корхоналарининг янги ташкил этилиши ҳам

охириги йилларда сезиларли ошмоқда. Масалан 2017 йил 1 январь ҳолатига вилоятда 1486 та кичик корхоналар ва микрофирмалар янги ташкил этилган бўлса, 2020 йилга келиб, уларнинг сони 4278 тага етган ёки нисбий ўсиш суръати 2,8 баробарга кўпайган (3-жадвал).

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг барқарор ривожланишини инновацион-молиявий омилларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун келгусида уларни ривожланишида асосий устуворлик “кичик тадбиркорликнинг

инновацион иқтисодиёти”га, ”кичик бизнеснинг билимларга асосланган иқтисодиёти”га боғлиқ бўлади.

4-жадвалдаги таҳлилларимиздан кўринадики, Жиззах вилоятида кичик корхоналар ва

микрофирмалар томонидан жорий қилинган инновацияларни 2020 йилга келиб, сезиларли ошиб, 2016 йилда 38 данадан 128 донага етганлигини ёки 2016 йилга нисбатан 3,4 баробарга ошганлигини кўрсатмоқда.

4-жадвал

Жиззах вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларининг инновацион-молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1.	Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум, млрд. сўм	2171,7	2954,7	5055,3	6975,8	8875,3
2.	Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи, млрд.сўм	1670,6	2247,1	4047,8	5788,4	7447,3
3.	Давр харажатлари , млрд.сўм	246,3	305,8	492,5	741,2	892,8
4.	Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар), млрд.сўм	239,3	315,2	470,7	318,5	209,8
5.	Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар, млрд.сўм	55,1	173,8	232,2	559,0	456,5
6.	Умумий рентабеллик даражаси, фоиз (4:2)*100	14,9	14,0	11,6	5,5	2,8
7.	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, млрд.сўм	261,2	484,0	1031,9	4439,8	9041,7
8.	Кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан жорий қилинган инновациялар, бирлик	38	21	27	97	128

Таҳлил этилаётган даврда кичик корхоналар ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматлар ҳажми ҳам кескин ошган. Хусусан, вилоятда ушбу инновацион маҳсулотлар 2016 йилда атиги 55,1 млрд.сўм бўлган бўлса, 2020 йилга келиб, 456,5 млрд.сўмга етган ёки 8,2 баробарга ошган [7.187-188 б].

Таҳлилларимизга кўра, ўрганилаётган йилларда вилоят кичик тадбиркорлик субъектларида умумий рентабеллик даражаси пасайиш суръатида бўлган. Масалан, 2016 йилда вилоят кичик тадбиркорлик субъектларида умумий рентабеллик даражаси 14,9 фоизни ташкил этган бўлса, йил сайин (2017 йилда мос равишда 14,0 фоиз, 2018 йилда 11,6 фоиз) сезиларли пасайиб, 2020 йилда ушбу кўрсаткич атиги 2,8 фоизни ташкил этган, холос.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жиззах вилояти ва унинг ҳудудларида кичик тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш учун қуйидаги таклифларни тавсия этамиз. Яъни:

1.Инновацион омиллар ҳисобига ҳудудий кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш; туман ва

шаҳарларда кичик тадбиркорлик фаолиятини истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга кўпроқ йўналтириш; туман ва шаҳарлар ўртасида ҳудудий тадбиркорлик субъектлари ривожланишидаги фарқларни камайтириш;

2.Вилоятда кичик тадбиркорлик соҳасида экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш лозим. Бунинг учун кичик тадбиркорлик субъектларининг товар ва хизматларини ташқи бозорда муваффақиятли сота оладиган махсус “ташқи савдо ўзбек уйлари”ни ривожлантириш, сифатни бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга татбиқ этиш, товар ва хизматларни рақобатбардошлигини ошириш, экспортга чиқарилаётган юкларга транспорт хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

3.Кичик тадбиркорлик соҳасида инновацион ривожланишни самарали ташкил этиш бўйича аниқ мақсад ва стратегияни ишлаб чиқиш зарур. Бунда кичик бизнес субъектларининг инновацион ривожланишининг интеграл кўрсаткичларини аниқлаш ва истиқболдаги прогноз кўрсаткичларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ саналади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Ғойибназаров Б.К., Раҳмонов Ҳ.О ва бошқалар. Минтақада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Монография –Т.: ФАН, 2008.–190 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистонда меҳнат ва бандлик. 2017-2020 йй.Статистик тўплам. –Т.: ДСҚ, 2021 йил 287 бет.
4. Жиззах вилояти статистика бошқармаси маълумотлари
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 6 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишиблармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сонли фармони.lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги “Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ- 4525-сонли Қарори. lex.uz
7. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. 2017-2020 йй. Статистик тўплам. –Т.: ДСҚ, 2021 йил 190 бет.
8. Шамхалов Ф. Роль предпринимателя в рыночной экономической системе. М.: Маркетинг. 2017. №3. с. 95
9. Макконелл К., Брю С. Экономикс. Принципы, проблемы и политика (1). М.: Республика, 1992, с. 38
10. Абалкин Л.И. Заметки о российском предпринимательстве. М.: Прогресс-Академия, 1994, с.12
11. Абдулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Иқт. фан. док. дисс. автореф. Тошкент, 2005, 27-б.



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a31

ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бегматова Шахноза Адхамовна -
Ал-Бухорий университети “Иқтисодиёт
ва туризм” кафедраси катта ўқитувчиси
Абдуллаева Мадина Камилловна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Фундаментал иқтисодиёт кафедраси доценти и.ф.н.

Аннотация. Мақолада тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришнинг назарий услубий асосларини ўрганиш натижалари ёритилган ҳамда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожлантиришга доир тизимли ислохотлар самарадорлиги қиёсий таҳлил этилган. Таҳлиллар натижасида Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини инновацион ривожланиш йўналишларини шакллантиришга оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар шакллантирилган.

Таянч сўзлар: инновациялар, инновацион тадбиркорлик, инновацион фаолият, инновацион ривожланиш, инновацион маҳсулот, интенсив иқтисодий ўсиш.

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Бегматова Шахноза Адхамовна -
Университет Аль-Бухари Старший преподаватель
кафедры "экономика и туризм"
Абдуллаева Мадина Камилловна -
к.э.н., доцент кафедры Фундаментальная экономика
Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В статье описаны результаты исследования теоретико-методологических основ инновационного развития предпринимательства и сравнительного анализа эффективности системных реформ в сфере инновационного развития предпринимательства в нашей стране. В результате анализа сформированы научные предложения и практические рекомендации по формированию инновационных направлений развития бизнеса в Узбекистане.

Ключевые слова: инновации, инновационное предпринимательство, инновационная деятельность, инновационное развитие, инновационный продукт, интенсивный экономический рост.

DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ENTREPRENEURIAL ACTIVITY IN UZBEKISTAN

Begmatova Shaxnoza Adxamovna -
Al-Bukhari University Senior lecturer of the
Department "economics and tourism"
Abdullayeva Madina Kamilovna -
Candidate of Economics, Associate Professor of the Department of
Fundamental Economics of Tashkent State University of Economics

Annotation. The article describes the results of the study of the theoretical and methodological bases of innovative development of entrepreneurship and a comparative analysis of the effectiveness of systemic reforms in the field of innovative development of entrepreneurship in our country. As a result of the analysis, scientific proposals and practical recommendations for the formation of innovative directions of business development in Uzbekistan have been formed.

Key words: innovation, innovation entrepreneurship, innovation activity, innovation development, innovation product, intensive economic growth.